



**“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ  
Кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти якунлари бўйича**

**ҲИСОБОТИ**

Ҳурматли акциядорлар!

**“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ** (ЎзРВБ) Кузатув кенгаши ўтган 2020 йил давомида ЎзРВБни акциядорлик жамияти сифатида бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажариш, шу жумладан, ЎзРВБ ривожланиш стратегиясини рўёбга чиқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг ижроси бўйича маълум ишларни амалга оширди.

### **I. ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилишлари ҳамда Кузатув кенгаши мажлислари бўйича маълумот:**

ЎзРВБ акциядорларининг 2019 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 28 сентябрда ўтказилди. Йиғилишда Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Ижроия органининг ҳисботлари эшитилди ва бошقا масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, ЎзРВБ акциядорларига 2019 йил соф фойдасидан дивидендлар белгиланган муддат ва миқдорларда тўлаб берилди.

Ҳисбот йилида жами **17 маротаба** Кузатув кенгашининг мажлислари ўтказилди.

Кузатув кенгашининг фаолияти ЎзРВБни умумий бошқаришга, уни ривожлантиришга, жумладан, янги молиявий инструментларни жорий этиш орқали биржа бозорларини янада диверсификациялашга, ички ҳужжатларни такомиллаштиришга, шунингдек, ЎзРВБ Ижроия органининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишга қаратилди.

Хусусан, Кузатув кенгаши 2020 йил учун тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилишига оид ЎзРВБ Ижроия органининг ҳар чорак якунлари бўйича ҳисботларини ҳамда Ички аудит хизматининг текширувлари натижалари тўғрисидаги ҳисботларини эшитиб борди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Шунингдек, Кузатув кенгаши мажлисларида молиявий ва ташкилий, шунингдек, меъёрий ҳужжатларни татбиқ қилишга доир масалалар кўриб чиқилди ҳамда қабул қилинган қарорлар асосида ЎзРВБда бир қатор ишлар амалга оширилди.

**Жумладан:**

- "TBC Bank" ҳамда "ANOR Bank" акциядорлик жамиятлари ЎзРВБнинг "A" ва "B" тоифалари, шунингдек, "Freedom Finance" масъулияти чекланган жамияти ЎзРВБнинг "B" тоифаси бўйича аъзолигига қабул қилинди;
- Савдо қатнашчиларига янада қулайликлар яратиш ва электрон ҳужжат айлануви тизимини савдо жараёнларига изчиллик билан жорий этиш, шунингдек, ЎзРВБнинг биржа савдолари билан боғлиқ айрим ички меъёрий ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилинди;
- "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖнинг узоқ муддатли (2019-2023) ва ўрта муддатли (2019-2021) ривожланиш стратегиясига мувофиқ ва ЎзРВБнинг танилиши, шунингдек, эмитентлар, инвесторлар ва молия бозорининг профессионал иштирокчилари орасида оммалашишининг янги даражасига чиқиш имконини яратиш мақсадида янги фирма белгиси (логотипи) ва фирма услуги қабул қилинди.
- Самарали операцион фаолиятни таъминлаш ва бизнес жараёнларни "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖнинг узоқ муддатли (2019-2023) ва ўрта муддатли (2019-2021) ривожланиш стратегиясига мувофиқ оптималлаштириш мақсадида халқаро стандартларга асосланган ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди.
- ЎзРВБнинг 2021 йил учун бизнес-режаси қонунчилик ҳужжатларида белгилangan муддатда тасдиқланди.

***II. Корпоратив бошқарув тизими бўйича маълумот:***

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган "Корпоратив бошқарув кодекси" тавсияларига кўра ЎзРВБдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун Кузатув кенгашининг 2020 йил 25 майдаги қарорига асосан мустақил ташкилот жалб қилинди.

Мазкур ташкилот томонидан 2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун ЎзРВБда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида ҳисобот ва хулоса тақдим қилинди. Баҳолаш натижаларига кўра ЎзРВБнинг корпоратив бошқарув тизимига "**юқори**" **балл** берилди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгаши ЎзРВБ Ижроия органи томонидан Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилиш тамойилига риоя этилиши устидан назоратни олиб борди.

Ахборотни очиб бериш корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унинг мақсади барча манфаатдор шахсларга акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисида тўлиқ ахборот беришdir.

Шунга кўра, акциядорларга Ижроия органининг чорак ва йил якунлари бўйича ҳисботлари, бухгалтерлик баланслари, Кузатув кенгashi йиғилишлари қарорларидан кўчирмалар ва бошқа ахборотлар мунтазам равиша тўлиқ тақдим этиб борилди. Бундан ташқари, ЎзРВБнинг чорак ва йил якунлари бўйича ҳисботлари ҳамда ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилишларини ўтказиш ва бошқа фаолияти билан боғлик бўлган барча муҳим фактлар Корпоратив ахборот ягона порталида, ЎзРВБнинг веб-сайтида жойлаштириб борилди.

Шу билан бирга, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 102-моддасига кўра ЎзРВБнинг Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ 2019 йил учун тузилган молиявий ҳисботлари аудиторлик ташкилотини жалб этган ҳолда Халқаро аудит стандартлари талаблари асосида аудиторлик текширувидан ўтказилиб, ўтказилган аудит натижалари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда, яъни акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишидан икки ҳафта олдин 2020 йил 10 сентябрь куни Корпоратив ахборот ягона порталида, ЎзРВБнинг веб-сайтида ва "Биржа" газетасида эълон қилинди.

### ***III. ЎзРВБнинг корпоратив назорати бўйича маълумот:***

Корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларидан бири – корпоратив назорат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан ЎзРВБда Ички аудит хизмати ташкил этилган.

2020 йилда ЎзРВБнинг Ички аудит хизмати ички аудитор сертификатига эга икки нафар малакали аудиторлар билан бутланди.

Улар ЎзРВБнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомга асосан ЎзРВБ Кузатув Кенгashi томонидан 2020 йил учун тасдиқлаган иш режага мувофиқ ички аудит текширувларини ўтказишган. Ички аудит хизматининг чораклик ҳамда 2020 йил якунлари бўйича текширув натижалари Кузатув Кенгashiга мунтазам равиша тақдим этиб борилган.

“Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ички аудит хизмати ходимлари корхона кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўtkазилиши кераклиги белгиланган. Шунга кўра, ЎзРВБ Ички аудит хизмати ходимлари Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан 2020 йил декабр ойида аттестациядан ўtkазилган.

#### **IV. "ЎзРВБ" АЖНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ (2019-2023) ВА ЎРТА МУДДАТЛИ (2019-2021) РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ:**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига кўра “ЎзРВБ” АЖНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ (2019-2023) ВА ЎРТА МУДДАТЛИ (2019-2021) РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ ТОМОНИДАН 2019 ЙИЛ 26 ИЮНДА ТАСДИҚЛАНГАН БўЛИБ, УНДА ЎРТА МУДДАТЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ РИВОЖЛАНИШНИНГ АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ.

Стратегиянинг ижросини таъминлаш борасида 2020 йилда қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

- 2020 йилдаги карантин чекловлари даврида ЎзРВБнинг савдо ва дастурий мажмуасида барча биржа бозорлари савдо иштирокчилари учун масофавий автоматлаштирилган иш жойлари ташкил этилди;

- Марказий банк бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/16-сонли қарори асосида Марказий банкнинг валютавий своп, депозит аукционлари ва давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО аукцион савдоларини ўtkазиш учун мўлжалланган ЎзРВБнинг ягона платформаси яратилди ҳамда юқорида қайд этилган, шунингдек, Марказий банк облигациялари билан савдолар ўtkазилиши ташкиллаштирилди;

Молия вазирлигининг ягона ғазна ҳисобварафи маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштириш бўйича танлов эълонлари ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар ЎзРВБ савдо тизимида акс эттирилиши йўлга қўйилди;

Турли чет эл валюталари билан савдоларни ташкиллаштириш мақсадида валюта савдолари бўйича мавжуд электрон савдо платформаси унга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали такомиллаштирилди;

Ахборот маҳсулотлари кўламини кенгайтириш, халқаро молия бозорининг профессионал иштирокчилари учун ЎзРВБ бозорлари тўғрисида ишончли ва сифатли маълумотларни тақдим этиш мақсадида, ЎзРВБ ва Refinitiv (Thomson Reuters) компанияси ўртасида имзоланган Ўзаро англашув

Меморандуми доирасида амалга оширилган ишлар натижасида, ҳисобот йилининг 27 августидан бошлаб, Refinitiv (Thomson Reuters) компаниясининг Eikon ахборот-таҳлилий платформасида мунтазам равишда ЎзРВБ бозорлари ва фаолияти тўғрисида автоматик равишда янгиланадиган маълумотлар on-line тарзда жойлаштириб борилиши таъминланди.

ЎзРВБ ривожланиш стратегиясининг амалга оширилиши натижасида барча кўрсаткичлар бўйича ҳисбот даврида ижобий натижаларга эришилди.

Жумладан, 2020 йил якуни бўйича валюта бозорида (спот бозори) савдоларнинг жами ҳажми 2019 йилдаги шу кўрсаткичлардан мос равишда 25 % га ёки 52 533,14 млрд. сўмга ошиб, 262 805,83 млрд. сўмни ташкил этди.

Давлат қимматли қоғозлари бозори бўйича 2020 йил якунинда савдолар ҳажми 21 480,13 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу курсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига мос равишда 7,8 баробар ошган.

2020 йилда банклараро пул бозорида савдолар ҳажми 53 616,79 млрд. сўмни ташкил этди.

Бунинг натижасида эса 2020 йил бўйича даромадлар (66 801,70 млн. сўм) режа (48 958,00 млн. сўм)га нисбатан 36,45 % га ошириб бажарилди.

Шунингдек, ЎзРВБнинг 2020 йил соф фойдаси 45 168,66 млн. сўмни ташкил этиб, бизнес-режага нисбатан 16 790,52 млн. сўмга, яъни 59,17 % га ошган.

ЎзРВБ Кузатув кенгashi келгусида ҳам ривожланиш стратегияси ижросини таъминлаш, Корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларига риоя этиш борасида ўз саъий-харакатларини давом эттиради.